

«UZTRADE» акциядорлик жамияти ягона  
акциядорининг 2022 йил 30 июндаги қарори  
билан тасдиқланган  
(2022 йил 30.06.даги №1-сонли баённома)

М.Ў

**«UZTRADE»**  
акциядорлик жамияти  
**УСТАВИ**  
(ЯНГИ ТАХРИР)

**Тошкент - 2022 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (бундан буён - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. «Ўзтрейд» акциядорлик жамияти (бундан буён - Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463–сонли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3009–сонли «Ўзтадбиркорэкспорт» АЖ фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2016 йил 8 январдаги 6-п-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган. Юқоридаги буйруқ ва қарорлар асосида, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «UZTRADE» aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: «UZTRADE» акциядорлик жамияти;

рус тилида: Акционерное общество «UZTRADE»;

инглиз тилида: «UZTRADE» joint-stock company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «UZTRADE» AJ;

кирилл ёзувида: «UZTRADE» АЖ;

рус тилида: АО «UZTRADE»;

инглиз тилида: «UZTRADE» JSC.

5. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51/1-уй. Индекс: 100047.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzte.uz

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzte.uz

## II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

7. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

8. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

9. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи

бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

10. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

12. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

13. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

14. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

15. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

16. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

17. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

18. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

19. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

### **III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

20. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда топиш ҳисобланади.

21. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Компания қуйидагиларни амалга оширади:

кичик бизнес субъектлари, фермер ва деҳқоқ хўжаликлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг экспортини тўғридан-тўғри экспорт шартномалари, ҳамда чет элда ташкил этилган савдо уйлари ва ваколатхоналари орқали амалга ошириш;

дунё ва минтақавий бозорлар конъюнктурасининг тизимли маркетинг изланишларини олиб бориш, ҳамда уларда вужудга келаётган тенденцияларга асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотининг сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

тижорат банклари ва бошқа молия институтлари билан биргаликда маҳсулотни экспорт қилиш бўйича амалдаги шартномалари гаровида кичик бизнес ташкилотларини экспорт олди молиялаштиришни таъминлаш ишларини амалга ошириш;

электрон савдо расталари технологияларини қўллаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотини илдам силжитиш замонавий усулларни тадбиқ этиш;

экспортга мўлжалланган маҳсулотни дунё талаблари ва стандартларига мувофиқлигини сертификатлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам ҳамда ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкилотларига республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материалларни олиб кириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортбоп маҳсулотларини чет эл харидорлари буюртмаларига асосан шакллантириш ва тайёрлашни ташкил этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик жихозлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб беришни амалга ошириш;

реклама тадбирларини ташкиллаштириш, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши бўйича ахборот ва маслаҳат бериш ишларини амалга ошириш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;

ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик молларини экспорт қилиш мақсадида, кичик бизнес ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар, деҳқон ва фермер хўжалиглари билан биргаликда, иссиқ ҳоналар, замонай музлатгиз камералари, қишлоқ хўжалик молларини саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлаш бўйича иншоотлар барпо этиш;

халқаро битимларнинг лойиҳаларини келишиш, чет эл давлатларининг ташкилотлари ва фирмалари билан ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш масалалари бўйича хўжалик шартномаларини тузиш, тасдиқланган номенклатура бўйича тўғридан-тўғри кооперациявий алоқаларни ҳамда ишлаб чиқариш ва илмий-техник ҳамкорликнинг бошқа шаклларини ривожлантириш;

ташқи иқтисодий алоқалар ва чет эл давлатлари билан ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

экспорт ва импорт тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;

тегишли товар бозорларининг конъюнктураси ва нархларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, экспорт базасини яратиш ва ривожлантиришда, экспорт маҳсулотларининг техник даражасини ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ишини ташкил қилишда, экспорт учун янги товарларни аниқлашда ёрдам кўрсатиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматларни шартнома асосида кўрсатиш;

мижознинг хом ашёси билан ташқи-савдо операцияларни амалга ошириш;

улгуржи савдо;

чакана савдо;

ташқи иқтисодий фаолият.

22. Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

23. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчилик билан белгиланган тартибда тегишли лицензия олинганидан сўнг амалга оширилади.

#### **IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

24. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

25. Жамиятнинг устав капитали 59 728 091 731 (эллик тўққиз миллиард етти юз йигирма саккиз миллион тўқсон бир минг етти юз ўттиз бир) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 59 728 091 731 (эллик тўққиз миллиард етти юз йигирма саккиз миллион тўқсон бир минг етти юз ўттиз бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

26. Жамият 953 052 663 980 (тўққиз юз эллик уч миллиард эллик икки миллион олти юз олтмиш уч минг тўқсон юз саксон) сўм миқдоридан 953 052 663 980 (тўққиз юз эллик уч миллиард эллик икки миллион олти юз олтмиш уч минг тўқсон юз саксон) дона номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акция чиқаришга ҳақли.

##### **а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

27. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

28. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

29. Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

30. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

31. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

32. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

33. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

34. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

35. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам

бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

36. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

37. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

38. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

### **б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

39. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

40. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

41. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

42. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

43. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар

бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

44. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши ҳамда Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

45. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

46. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

47. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

48. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

49. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

50. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

## **VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

51. Жамиятни бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув Кенгаши;

Ижроия органи (Бошқарув).

## **VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

52. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

53. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг иккинчи декасида ўтказилади.

54. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 (туқсон) кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

55. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

кузатув кенгашини сайлаш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;

Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;

фойда ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

56. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

57. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

58. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

устав капиталини камайтириш;

жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш);

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;



акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини коплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, тафтиш комиссияси аъзоларига ва ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонун ҳужжатларига, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

59. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

60. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

61. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

62. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

63. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

64. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

65. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масала бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида ва Уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

66. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг эшитиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан аффилиланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

67. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларида акциядорлар эътиборига етказилади.

68. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаси, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси ҳамда Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан маълумот киради.

69. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **90** кундан кечиктирмай, Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойда тақсимоти, Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклиф киритишга, шунингдек уларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган кунигача алмаштиришига ҳуқуқига эга.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

## IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

70. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ иш юритади.

71. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 20 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомда белгилаб қўйилади.

72. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

73. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

74. Жамият Кузатув кенгаши Жамият ижроия органи раҳбарининг (бошқарув раиси) ва ижроия органининг аъзоларини ваколатларини агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатишга, ва шу тариқа жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига тайинлаш ҳуқуқига эга.

75. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

## **Х. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

76. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

77. Жамият Бошқаруви 5 нафар аъзодан иборатдир. Бошқарув ишига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

78. Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

79. Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

80. Бошқаруви Раиси ва директорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга, ҳар йили ёллаш шартномасини бекор қилиш ёки уни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, тайинланади. Жамият бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга, ҳар йили ёллаш шартномасини бекор қилиш ёки уни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, тайинланади. Бошқарув Раиси ва директорлар Акциядорлар умумий йиғилишида лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

81. Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

82. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

83. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

84. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);

ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар

бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

Жамиятнинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш;

жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа беғараз ёрдамлар учун йиллик харажатлари миқдори ўтган йил давомида олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаган ҳолда ҳамда жамиятнинг олдинги ҳисобот йили учун бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда ҳомийлик ҳақида ижроия органи ва ҳомийлик олувчи ўртасида расмийлаштирилган шартномага асосан ҳомийлик амалга оширади;

Жамият Бошқаруви ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

85. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузиш;

кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрнатилган тартибда киритиш;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди;

раис ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бошқарув раиси ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

## 86. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

Ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;  
акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига мувофиқ тузишни таъминлашни назорат қилиш;

Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

87. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

88. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият

фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

89. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият Уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

90. Жамиятнинг Бошқарув раисига, Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

## **XI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **а) Тафтиш комиссияси**

91. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тафтиш комиссияси сайланиши мумкин.

92. Ушбу модда аннуляция қилинади.

### **б) Ички аудит хизмати**

93. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

94. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамият Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди:

Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини;

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

Жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

Жамият активларнинг сақланишини, устав капиталидаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

95. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

### **в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

96. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

97. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

### **г) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси**

98. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.



99. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **ХII. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

100. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

101. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

102. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

103. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

## **ХIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

### **а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби**

104. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Жамият ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (Жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор Жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳукуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган Жамият кимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

105. Ўз фаолиятини тугатган Жамият ва бошқа акциядорлик жамиятларининг ёхуд масъулияти чекланган жамиятларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги юридик шахсга ўтказиш йўли билан янги юридик шахснинг вужудга келиши Жамият ва бошқа акциядорлик жамиятларининг ёхуд масъулияти чекланган жамиятларнинг қўшиб юборилиши деб эътироф этилади. Жамиятни юридик шахслар билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қўшиб юборишга йўл қўйилмайди.

Жамият қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги юридик шахсга ўтади.

106. Бир ёки бир нечта юридик шахс фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини Жамиятга ўтказиш ёки Жамиятнинг фаолиятини тугатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш Жамиятни қўшиб олиш деб эътироф этилади.

Бир ёки бир нечта юридик шахс Жамиятга қўшиб олинаётганда қўшиб олинаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ Жамиятга ўтади.

Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб олинаётганда Жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ бошқа юридик шахсга ўтади.

107. Жамият фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш Жамиятни бўлиш деб эътироф этилади.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ ташкил этилаётган икки ёки бир нечта юридик шахсга ўтади.

108. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш Жамиятни ажратиб чиқариш деб эътироф этилади.

Жамият таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилган Жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

109. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакли этиб ўзгартирилишга ҳақли.

Жамият ўзгартирилганида унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолади.

### **б) Жамиятни тугатиш тартиби**

110. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги масалани Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

Давлат тугатилаётган Жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

111. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган Жамиятнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлик тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар Жамиятдаги мавжуд мол-мулк ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Жамият хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

112. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган Жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

#### **XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

113. Ушбу Уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

114. Ушбу Уставда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

115. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонун ҳужжатларига Ушбу Уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

116. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.